mpcareer@mail.ru

http://mpcareer.ru




Научно-практический электронный журнал

# МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998

9 772658 799001 >

Выпуск №70 (том 1)
(март, 2025)

Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: mpcareer.ru

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №70 (том 1) (март, 2025). Дата выхода в свет: 31.03.2025.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). **Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.**

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

Пестерев С.В. – гл. редактор, отв. за выпуск

| | |
|---|---|
| Батурин Сергей Петрович | кандидат исторических наук, доцент |
| Боброва Людмила Владимировна | кандидат технических наук, доцент |
| Богданова Татьяна Владимировна | кандидат филологических наук, доцент |
| Данилова Анна Александровна | кандидат исторических наук, доцент |
| Демьянова Людмила Михайловна | кандидат медицинских наук, доцент |
| Дуянова Ольга Петровна | кандидат медицинских наук, доцент |
| Еремеева Людмила Эмировна | кандидат технических наук, доцент |
| Засядько Константин Иванович | доктор медицинских наук, профессор |
| Колесников Олег Михайлович | кандидат физико-математических наук, доцент |
| Копеин Валерий Валентинович | доктор экономических наук, профессор |
| Коробейникова Екатерина Викторовна | кандидат экономических наук, доцент |
| Кудряшова Ирина Анатольевна | доктор экономических наук, профессор |
| Ланцева Татьяна Георгиевна | кандидат экономических наук, доцент |
| Нобель Артем Робертович | кандидат юридических наук, доцент |
| Ноздрина Наталья Александровна | кандидат педагогических наук, доцент |
| Павлов Евгений Владимирович | кандидат исторических наук, доцент |
| Петрова Юлия Валентиновна | кандидат биологических наук, доцент |
| Попов Сергей Викторович | доктор юридических наук, профессор |
| Сидунова Галина Ивановна | доктор экономических наук, профессор |
| Табашникова Ольга Львовна | кандидат экономических наук, доцент |
| Таспанова Жыгагул Кенжебаевна | доктор философии по педагогическим наукам |
| Тюрин Александр Николаевич | кандидат географических наук, доцент |
| Усубалиева Айнура Абдыжапаровна | кандидат социологических наук, доцент |
| Фаттахова Ольга Михайловна | кандидат технических наук, доцент |
| Филимонова Елена Анатольевна | кандидат экономических наук, доцент |
| Филимонюк Людмила Андреевна | доктор педагогических наук, профессор |
| Фролова Тамара Валериевна | кандидат экономических наук, доцент |
| Холин Александр Николаевич | кандидат технических наук, доцент |
| Юрин Владимир Михайлович | кандидат юридических наук, доцент |

| | |
|---|---|
| **ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ НАУЧНОМ МЫШЛЕНИИ** | |
| ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ<br>Олтаев Ш.С. | 213 |
| ТАЪЛИМ -ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ КЛАСТЕРЛИ ЁНДОШУВ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ<br>Олтаев Ш.С. | 227 |
| МАМЛАКАТ МЕҲНАТ БОЗОРИДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ЭҲТИЁЖИ АСОСИДА ЎРТА БЎҒИН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР<br>Олтаев Ш.С. | 238 |
| ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШДА ЗАИФ БАНДЛИКДАН УНУМЛИ БАНДЛИККА ЎТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ<br>Олтаев Ш.С. | 257 |
| ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИШЧИ КУЧИНИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ<br>Олтаев Ш.С. | 275 |
| РОЛЬ АУДИТА В БОРЬБЕ С КОРРУПЦИЕЙ<br>Оразмаммедов Ш., Кулыева Н. | 287 |
| ПОЛЬЗА ПРЯМЫХ НАЛОГОВ ДЛЯ ПРОИЗВОДСТВА В ЭКОНОМИКЕ<br>Халмурадова А., Халыева Дж., Мурадов Е. | 291 |
| ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРОЦЕССОВ В КОМПАНИЯХ ТОПЛИВНО-ЭНЕРГЕТИЧЕСКОГО КОМПЛЕКСА НА УПРАВЛЕНЧЕСКИЕ КОМПЕТЕНЦИИ ИХ РУКОВОДИТЕЛЕЙ<br>Цивильков Я.Д. | 295 |
| ОСОБЕННОСТИ УЧЕТА И АНАЛИЗА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ<br>Тачгулыева Г., Атаева Х. | 310 |
| **РОЛЬ ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК В 21 ВЕКЕ** | |
| СИЛОВ ТЕОРЕМАЛАРИНИНГ БАЪЗИ ТАДБИҚЛАРИ<br>Маматов Ж.С., Умаров Х.Р., Рахмонов С.К. | 316 |
| GAMMA FUNKSIYANING AYRIM XOSSALARI<br>Umarov X.R., Boymurodov D.I. | 320 |
| К ПОСТРОЕНИЮ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ ОДНОЙ ЗАДАЧИ ДВИЖЕНИЯ ГРУНТОВЫХ ВОД ВБЛИЗИ НОВЫХ ВОДОХРАНИЛИЩ И КАНАЛОВ<br>Жамуратов К., Умаров Х., Бойкузиева М. | 326 |
| ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ И АВТОМАТИЗАЦИЯ: ВЕКТОР БУДУЩЕГО<br>Голокоз П.С. | 333 |
| 3Д-ПЕЧАТЬ<br>Власов Д.А. | 337 |

УДК 33

***Олтаев Ш.С.***
СамИСИ доценти, и.ф.н.

# ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИШЧИ КУЧИНИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** ушбу мақолада ёшлар бандлигини таъминлашда ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ўрганилган. Ишчи кучи ресурсларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг бандлигини таъминлаш иқтисодий ривожланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, уларни такрор ишлаб чиқариш тизмини тўғри йўлга қўйиш орқали бандлигини таъминлаш учун касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

**Таянч сўзлар:** ёшлар бандлиги, ишчи кучи, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, ёшлар ишчи кучи бозори, ёшлар бандлигини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш стратегияси.

Кириш. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодиёт тармоқлари тузилмасини ўзгартирмоқда. Бу қадамлар ишлаб чиқариш қувватларини оширишга ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кучайтиришга қаратилган. Бу эса давлат иқтисодий жиҳатдан ўсиши ва барқарор бўлишининг кафолатидир. Шу муносабат билан давлатимиз олдида юзага келаётган талайгина вазифаларни ҳал қилишга тўғри келмоқда. Устувор вазифалардан бири ишчи кучини қайта шакллантириш ва уни бошқариш муаммосини ҳал қилишдан иборатдир. Чунки, “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўрсатилганидек, ”ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” [2] асосий мақсадимиздир.

Миллий иқтисодиётда ёшлар ишчи кучидан самарали фойдаланиб ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, инфляция ва ишсизлик

каби муаммоларни тўғри ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири ҳисобланиши аниқ. Сабаби ишчи кучи бозорини доимий тўлдириб, янгилаб кириб келувчилар бу ёшлардир. Уларни иш билан таъминлаш орқали эса ишсизлик масаласининг катта қисмини ҳал этиш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ишчи кучи бозорининг шаклланишига турли омил ва шарт-шароитлар таъсир қилади. Ушбу омил ва шарт-шароитлар Ўзбекистондаги ҳудудий ишчи кучи бозорларининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Кенг маънода, меҳнат бозори меҳнатдан фойдаланишга бўлган талаб ва уни маълум бир нархда етказиб бериш билан белгиланадиган алмашинувни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, ижтимоий нормалар ва институтлар тизими ёки умумий маънода меҳнатни ёллаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи тарзида ифодаланиши мумкин.

Академик Абдурахмоновнинг фикрича, “меҳнат ресурсларини тақсимлайдиган ва иш билан бандлик борасида қарорлар қабул қиладиган бозор меҳнат бозори” деб аталади. Шу нуқтаи назардан, муҳим хусусиятларини ўрганишга тизимли ёндашувдан фойдаланган ҳолда, бандликка тўлақонли таъриф беришимиз мумкин. Ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида аҳолини иш билан таъминлаш ва умуман меҳнат бозори иқтисодиёт соҳасининг кўзга кўринган олимларининг қарашларида ўз аксини топган. Ўзбекистонда ишчи кучи бозорининг самарали ривожланиши ва ишсизликни камайтириш Қ.Абдураҳмонов (меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган ёшларни иш билан таъминлаш), Ш.Холмўминов ва К.Хомитов (қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши), З.Худойбердиев (тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси), М.Холмухамедов (меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини тартибга солиш), Д.Насимов (олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш), Б.Тагаев (замонавий ижтимоий-иқтисодий тизимда ёшлар бандлигини бошқариш) ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда тизимли таҳлил, иқтисодий тадқиқ этиш методологияси, таққослаш, дедукция каби тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ёшлар ишчи кучи бозорида муносабатга киришар эканлар, ўзлари учун мақбул иш топиш, иш жойи, шарт-шароитлари, касб-кори, нуфузи, меҳнат жараёнининг интенсивлиги, давомийлиги билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларга дуч келади. Ҳозирги ёшларнинг жамиятда ўз ўрниларини топишлари, ишчи кучи бозори талабларига жавоб беришга тайёр эканликлари ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ахборот муҳитининг глобаллашуви, юқори турмуш даражаси андозаларининг тез ва кенг тарқалиши ёшлар ҳаётий эҳтиёжлари муттасил ортиб бораётгани ҳолда уларни қондириш имкониятларининг чекланганлиги сабабли ёшлар билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни янада ўткирлаштиради.

Ёшларнинг меҳнатга жалб этилиши жараёнида улар нуқтаи назаридан айрим касб ва ихтисосликларнинг нуфузи пасайганлиги ҳолда бошқалари, аксинча, анча юқорига кўтарилганлигини ҳам кўрсатиш даркор. Бу ерда гап умуман малакали меҳнат нуфузи пасайганлиги тўғрисида эмас, балки юқори малака талаб этувчи ихтисосликлар доирасида устуворликлар ўзгарганлиги ҳақида кетмоқда.

Ёшлар меҳнат фаолиятининг бошланиши уларнинг ҳаётида касбга кўникишлари билан боғлиқ бўлган ўзгаришларга сабаб бўлади. Бунга энг аввало, ёшлар келиб қўшиладиган меҳнат жамоасидаги муҳит, ижтимоий-касб қадриятлари, касб фаолиятининг туб жиҳатдан янги тури, ишлаб чиқариш муносабатлари хусусиятлари ва бошқа омиллар таъсир этади.

Ёшларда эса бўлажак иш ўрни, меҳнат шароитлари ва мазмуни, айниқса, иш ҳақи миқдорига талаб ниҳоятда катта бўлади. Бу - иш берувчининг ёшларга иш кучи сифатидаги баҳоси билан ёшларнинг ўзлари ўзларини баҳолашлари ўртасида зиддиятни юзага чиқаради. Худди ана шу ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашдаги энг жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ёшларни иш билан таъминлашда уларнинг маълумоти катта аҳамиятга эгадир. Илм-фан жадал тараққий этаётган, ишлаб чиқаришга энг замонавий

“Меҳнат иқтисодиёти ва инсон капитали” илмий электрон журнали, 2024-йил 1-сон технологиялар жорий этилаётган бугунги кунда иш кучи маълумоти ва малакаси ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиздаги демографик кўрсаткичларнинг аҳоли ёши бўйича динамикаси келтирилган. Унга кўра кейинги 5 йил мобайнида меҳнатга лаёқатли ёшдан катта аҳоли сони 21,9 фоизга ошган (1-жадвал). Бундай ҳолат ижтимоий таъминот билан боғлиқ масалаларни кучайтиришни талаб этади.

1-жадвал.

Аҳолининг ёш таркиби бўйича тақсимланиши (йил бошига; минг киши)

| Кўрсаткичлар | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2020 йилга нисбатан 2023 йилда |
|---|---|---|---|---|---|
| Жами аҳоли сони | 33905,2 | 34558,9 | 35271,3 | 36024,9 | 106,3 |
| 0-14 ёш | 9870,3 | 10175,8 | 10518,5 | 10835,5 | 109,8 |
| 15-19 ёш | 2559,0 | 2569,7 | 2616,2 | 2697,4 | 105,4 |
| 20-54 ёш | 17197,8 | 17360,6 | 17505,8 | 17686,2 | 102,8 |
| 55-59 ёш | 1515,7 | 1528,1 | 1527,5 | 1522,2 | 100,4 |
| 60 ёшдан юқори | 2762,5 | 2924,6 | 3103,4 | 3283,7 | 118,9 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ғарбий Европа мамлакатлари миллий бойлиги таркибида асосий ишлаб чиқариш фондлари (бино ва иншоотлар, машина ва дастгоҳлар) ҳамда табиий ресурслар 23,2 фоизни, инсон капитали эса 74,0 фоизни ташкил этади.

2-жадвал.

Аҳолининг ёш таркиби бўйича тақсимланиши (минг киши)

| Жами аҳоли сони | 0-15 ёшдагилар | 16-60 ёшдагилар | 60 ёшдан юқорилар |
|---|---|---|---|
| 36 024,9 | 11 437,4 | 21 303,9 | 3 283,6 |
| Жами аҳолига нисбатан фоизда | 31,7 | 59,1 | 9,1 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Ҳозирги иқтисодий шароитда ишчи кучининг сонига эътибор қаратилмасдан унинг сифатига, унинг касбий малака даражасига юқори талаблар қўйилаяпти. Кадрлар тайёрлаш тизими ишлаб чиқаришни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолини самарали иш билан таъминлашнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий бўғини ҳисобланган касб-ҳунар таълим тизими меҳнат бозори конъюнктурасига ҳамда иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжига қаратилган бўлиши керак.

Ишчи кучи бозорида ёшларнинг иш билан бандлиги кўп жиҳатдан шу ерда яшовчи ёшларнинг билим даражасига ва умумий савиясига боғликдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмокдаки, юқори малакага эга бўлган кадрлар ишчи кучи бозорида юқори имкониятга эга бўладилар. Шу билан бирга, статистик маълумотлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ишсизларнинг асосий қисмини малакаси ва билим даражаси паст бўлган ишчи кучи ташкил этади.

Шунингдек, “Ёшлар бандлиги дастурлари” доирасида 2023-йилда 686314 нафар ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш кўзда тутилмокда.

Маълумки, 2023-йил 11-апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида "Ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари" тўғрисида ўтказилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ҳар бир ҳудудда ишсиз ҳамда ишчи кучи бозорига кириб келаётган ёшлар бандлигига кўмаклашиш мақсадида ҳудудий ҳокимликлар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирликларининг ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда “Ёшлар бандлиги дастурлари” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Унга кўра, ишчи кучи бозорига кириб келаётган ёшларни қуйидаги йўналишларда бандлигини таъминлаш кўзда тутилган:

биринчидан, 143,2 минг нафар битирувчиларни корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш;

иккинчидан, 53,4 минг нафарини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш;

учинчидан, 15,1 минг нафарини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

тўртинчидан, 20,3 минг нафарини ҳар бир тадбиркор - ёшларга мададкор тадбирлари асосида тадбиркорларга бириктириш;

бешинчидан, 10,8 минг нафарини “Уста шогирд” асосида ҳунармандларга бириктириш;

олтинчидан, 27,9 минг нафарини қишлоқ хўжалигидан ер ажратиш орқали бандлигини таъминлаш;

еттинчидан, 69,2 минг нафарини ўзини -ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш;

саккизинчидан, 19,1 минг нафарига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш орқали бандлигини таъминлаш;

тўққизинчидан, 31,1 минг нафарига субсидия ажратиш орқали бандлигини таъминлаш;

ўнинчидан, 243,3 минг нафари бошқа йўналишларда (ОТМга ўқишга кирадиганлар) бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Маълумот учун, жорий йилда умумий ўрта-таълим мактаблари, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари сони 686314 нафарни ташкил қилмоқда.

Ишчи кучи бозорида узоқ муддатли истиқболлаштиришнинг йўқлиги, билим юртлари ҳамда иш берувчилар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкам эмаслиги, ишчи ва мутахассис-ходимлар тайёрлашда оптимал тизим яратишни қийинлаштирмоқда. Ишчи кучи бозорида кўпгина мутахассисликларга талабнинг пастлиги, иш юритиш малакасининг йўқлиги, мустақил ҳаётга энди

қадам қўяётган ёшлар учун иш билан бандликни таъминлаш анча жиддий муаммо ҳисобланади.

Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш стратегияси иш билан бандлик соҳасидаги жараёнларни ҳисобга олиши зарур. Ишчи кучи бозорини тадқиқ этиш орқали минтақадаги кадрлар тайёрлаш тизимини бозор иқтисодиёти муносабатларига мослаштириш йўлларини аниқлаш керак.

Хулоса. Мамлакатимиз аҳолиси салмоғида ёшларнинг улуши анча кўп ҳисобланади, ишчи кучи ресурслари таркибига кириб келувчиларнинг катта қисмини ёшлар ташкил қилади. Республикамизда аҳолини тез суръатлар билан кўпайиши натижасида ҳозирги кунга келиб, ҳудудий демографик жиҳатдан зичлашиб бормоқда. Оқибатда ёшларни, айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан бандлигини таъминлашда жиддий муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш, уларнинг ишчи кучи бозоридаги хатти-ҳаракати қатор жиддий ижтимоий-иқтисодий ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

биринчидан, ишчи ва мутахассислар тайёрлаш дастури ҳамда ишчи кучи бозоридаги талаб ўртасида номутаносиблик мавжуд. Бу масаланинг ечими республика камбағалликни қисқартириш ва бандлик органлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда ўқув юртлари томонидан бир келишувга эришишдир;

иккинчидан, ёшларни ўсмирлик вақтидан бошлаб оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида касаначилик фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорларга бириктириш ва уларнинг касб-корларини ўрганишларини таъминлаш, лозим ҳолларда уларга субсидиялар ёки имтиёзлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, ёшларни иш билан таъминлашни яхшилашнинг қўшимча имкониятларини нодавлат ташкилотларини персонални танлаш ва уларни иш билан таъминлашда фаол қатнашишга даъват этиш орқали ошириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.

2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 2022 йил 28-октябрь. https://lex.uz/ru/pdfs/6257288

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/6600413

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.01.2022 йилдаги РҚ-92- сон “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

5. Қ.Х.Абдураҳмонов. “Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт”. Дарслик. - Т.: “Фан”, 2019.

6. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (Монография). -Т.: Фан ва технология. 2014

7. Холмухамедов М.М. Меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини тартибга солиш ва уни такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссетацияси. - Самарқанд, 2021.

8. Хомитов К.З. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. -Т.: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти, 2012.

9. Худойбердиев З.Я. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. -Т.: ИЛМЗИЁ, 2016.

10. Насимов Д.А. Олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. - Самарқанд, 2011.

11. Тагаев Б. Замонавий ижтимоий-иқтисодий тизимда ёшлар бандлигини бошқаришнинг назарий жиҳатлари / “Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил” журнали. 2023- йил, октябрь. https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/201/191

12. www.stat.uz - (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги).

13. www.uza.uz - (Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги).

14. Shavkat Oltaev. Herausforderungen und Lösungen beim Bau einer Gemeindeabteilung und Investitionen in Familienunternehmer (Am Beispiel von Navobod NCM des Bezirks Samarkand). Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. 93-97 pp. http://doi.org/10.5281/zenodo.5513703

15. Shavkat Oltaev. Wide Opportunities for Innovative Development of Small Business And Private Entrepreneurship in our Country. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021. Online: https://academicjournal.io 7-13 pp. https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/334

16. Shavkat Oltaev. Challenges and solutions in constructing a community section and investing in family entrepreneurs (On the example of Navobod NCM of Samarkand district). American Journal of Research. 2021 USA, Michigan 34. 34-37 pp. https://zenodo.org/record/5514016

17. Shavkat Oltaev. A strong family is as basic of the prosperity of the neighborhood. American Journal of Research. 2021 USA, Michigan 30. 30-33 pp. https://zenodo.org/record/5513761

18. Shavkat Oltaev. The role of the state in the innovative development of Tourism. The American journal of management and economics innovations. (TAJMEI). 2021. USA. https://doi.org/10.37547/tajmei/Volume03Issue10-05 17-20 pp.

19. Shavkat Oltaev. Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research. https://doi.org/10.37547/tajiir/Volume03Issue11-02 2021. 9-13 pp.

20. Shavkat Oltaev. Innovative Education is an Important Factor in Increasing the Efficiency of Economic Education. Journal of Marketing and Emerging Economics. 54-57 pp. https://openaccessjournals.eu/index.php/jmee/article/view/940

21. Shavkat Oltaev. Creation of new jobs in our country – an important factor in providing employment. Modern views and research – 2021. International scientific and practical Conference. London, UK. https://doi.org/10.5281/zenodo.5570503 2021. P: 41-43

22. Shavkat Oltaev. Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości, 92–95 pp. 2022. https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503

23. Shavkat Oltaev. Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science. 96–100 pp. (2022). https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923

24. Shavkat Oltaev. Ways of increasing the efficiency of using labor resources (on the example of the Samarkand region). Journal of Hunan University（Natural Sciences) Vol. 49. https://johuns.net/index.php/abstract/445.html №10. 2022.

25. Shavkat Oltaev. (2024). Ways of government support for innovative activity in the field of service provision. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 231–236. https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-41

26. Shavkat Oltaev. (2024). Financial sources and organizational and legal basis of social protection of the country's population. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 244–250. https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-43

27. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways of raising our country's development to a new level by improving the quality of higher education. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development, 3(1), 258–263. Retrieved from https://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/1414

28. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative Ways of Implementing Digital Transformation in the Educational System. Middle European Scientific

Bulletin, 44, 38-43. Retrieved from https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/2048

29. Shavkat Oltaev. (2023). Ways of Implementing and Developing the Corporate Management System In Our Country. Procedia on Economic Scientific Research, 6, 23–31. Retrieved from https://procedia.online/index.php/economic/article/view/1031

30. Shavkat Oltaev. (2023). Analysis of Investment Activity in Foreign Countries. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 34, 82–86. Retrieved from https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/808

31. Shavkat Oltaev. (2023). Employer in the private sector of the country status of the current demand and its employment role in supply. Results of National Scientific Research, 2(8), 92–101. https://zenodo.org/record/8330456

32. Shavkat Oltaev. (2023). In investment authority and economy innovative ways to use it efficiently. Results of National Scientific Research, 2(8), 83–91. https://doi.org/10.5281/zenodo.8330300

33. Shavkat Oltaev. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30. https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979

34. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983

35. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways to diversify and improve the quality of tourist services in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 109-118. https://doi.org/10.5281/zenodo.10880030

36. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways to eliminate the migration problem in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 123-130.

https://doi.org/10.5281/zenodo.10880419

37. Shavkat Oltaev. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30. https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979

38. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983

39. Shavkat Oltaev. (2024). The role of the economic sector in society. Eurasian Scientific Herald, 30, 55–58. Retrieved from https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/5815

40. Shavkat Oltaev. (2024). Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2(3), 273–280. Retrieved from https://webofjournals.com/index.php/1/article/view/1047

© Олтаев Ш.С., 2025